

I. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)


Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 25052 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 24474 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 97,7 % ини ташкил қилди.

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотларнинг асосий улуши Наманган шаҳри (36,8 %), Чуст (8,3 %), Наманган (6,9 %) ва Уйчи (6,2 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши % да	бирлик	жамига нисбатан улуши % да
Наманган вилояти	25 052	100,0	24 474	100,0
<i>туманлар:</i>				
Наманган ш	9 230	36,8	8 958	36,6
Мингбулоқ	1 018	4,1	1 017	4,2
Косонсой	1 523	6,1	1 490	6,1
Наманган т	1 731	6,9	1 702	6,9
Норин	1 073	4,3	1 061	4,3
Поп	1 440	5,7	1 411	5,8
Тўрақўрғон	1 525	6,1	1 482	6,1
Уйчи	1 561	6,2	1 552	6,3
Учқўрғон	1 339	5,3	1 326	5,4
Чортоқ	1 296	5,2	1 269	5,2
Чуст	2 071	8,3	2 002	8,2
Янгиқўрғон	1 245	5,0	1 204	4,9

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, % да
(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)




Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 26,5 %), саноат (21,0 %), қурилиш (7,1 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (6,9 %) соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)**

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши % да	бирлик	жамига нисбатан улуши % да
Жами	25 052	100,0	24 474	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 727	6,9	1 690	6,9
саноат	5 256	21,0	5 197	21,2
қурилиш	1 772	7,1	1 708	7,0
савдо	6 633	26,5	6 385	26,1
ташиш ва сақлаш	932	3,7	919	3,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 085	4,3	1 052	4,3
ахборот ва алоқа	352	1,4	343	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	537	2,1	530	2,2
бошқа турлари	6758	27,0	6 650	27,2

**Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да
(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)**





- *Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги*
- *Саноат*
- *Қурилиш*
- *Савдо*
- *Ташиш ва сақлаш*
- *Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар*
- *Ахборот ва алоқа*
- *Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш*
- *Бошқа турлар*

Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 97,7 % ни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,3 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда 2,5 % камайган.

Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, % да

01.01.2019 й.

01.07.2019 й.




Фаолиятсизлар

Фаолият кўрсатаётганлар

2019 йил 1 июль ҳолатига 20 208 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 6 431 та, оилавий корхоналар – 432 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 12813 тани ва 532 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-ҳўжалик юритувчи


субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда



01.01.2019 йил 01.07.2019 йил

2019 йилнинг январь-июнь ойларида жами 3562 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 мартага кўпроқ. Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (1004 та), Поп (305 та), Чуст (304 та), Учқўрғон (263 та) ва Уйчи (261 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса, Мингбулоқ (169), Янгиқўрғон (180 та) ва Чортоқ (194 та) туманларига тўғри келади.


**Ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган корхона
ва ташкилотларнинг сони, бирликда
(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг улуши савдода 40,5 %, саноатда 27,0 %, қурилишда 7,6 % ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 6,0 % ни ташкил этади.

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да**

(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)



2019 йил 1 июль ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 20098 тадан ортиқни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2018 йил шу даврига нисбатан 22,0 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 7722 таси (жами субъектларнинг 38,4 %) Наманган шаҳрига, 1658 таси (8,2 %) Чуст, 1457 таси (7,2 %) Наманган ҳамда 1277 таси (6,4 %) Уйчи туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 759 таси (3,8 %) Мингбулоқ 803 таси (4,0 %) Норин, 911 таси (4,5 %) Янгиқўрғон, 995 таси (5,2 %) Чортоқ, 1035 таси (5,1 %) Учқўрғон туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
ҳудудлар бўйича сони**

	2019 йил 1 январь ҳолатига		2019 йил 1 июль ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан улуши % да	бирлик	жамига нисбатан улуши % да

Наманган вилояти	16 975	100,0	20 098	100,0
-------------------------	---------------	--------------	---------------	--------------

туманлар:

Наманган ш	6 919	40,8	7 722	38,4
------------	-------	------	-------	------

Мингбулоқ	608	3,6	759	3,8
-----------	-----	-----	-----	-----

Косонсой	982	5,8	1 219	6,1
----------	-----	-----	-------	-----

Наманган т	1 264	7,4	1 457	7,2
------------	-------	-----	-------	-----

Норин	624	3,7	803	4,0
-------	-----	-----	-----	-----

Поп	784	4,6	1 065	5,3
-----	-----	-----	-------	-----

Тўрақўрғон	1 037	6,1	1 197	6,0
------------	-------	-----	-------	-----

Уйчи	1 043	6,1	1 277	6,4
------	-------	-----	-------	-----

Учқўрғон	789	4,6	1 035	5,1
----------	-----	-----	-------	-----

Чортоқ	828	4,9	995	5,0
--------	-----	-----	-----	-----

Чуст	1 366	8,1	1 658	8,2
------	-------	-----	-------	-----

Янгиқўрғон	731	4,3	911	4,5
------------	-----	-----	-----	-----


Фаолият кўрсатаётган жами 20098 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 6352 таси (31,6 %) - савдода, 5165 таси (25,7 %) - саноатда, 1703 таси (8,5 %) - қурилишда, 1659 таси (8,3 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 1047 таси (5,2 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 911 таси (4,5 %) - ташиш ва сақлашда, 433 таси (2,2 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 324 таси (1,6 %) - ахборот ва алоқа соҳасида шунингдек, 2504 таси (12,4 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да
(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)**



2019 йилнинг январь-июнь ойларида жами 3444 та кичик тадбиркорлик субъектлари янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 мартага кўпроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Наманган шаҳри (967 та), Чуст (296 та), Поп (294 та), Учқўрғон (259 та) ва Уйчи (252 та) туманларига, энг кам эса, Мингбулоқ (163 та), Янгиқўрғон (175 та) ва Чортоқ (178 та) туманларига тўғри келади.

2019 йил январь-июнь ҳолатига янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари кесимида энг кўп ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар савдода (1444 та), саноатда (960 та), қурилишда (270та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (212 та), ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (190 та) ташкил этилган. Энг кам эса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (29 та), ахборот ва алоқада (38 та) ташкил этилган.

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да

(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)




Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли, фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига Наманган вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонига фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,5 % ни (506 та) ташкил қилган, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 382 тага камайган.

Ҳисобот даврида 879 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 143 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 16,3 %) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2019 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 182 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 69 тага ёки 61,1 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 127 таси қўшма корхоналар, 55 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, бирликда

(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳар 62 та (34,2 %), Косонсой 18 та (9,9 %), Уйчи 16 та (8,8 %), Тўрақўрғон 15 та (8,3 %), Чортоқ 14 та (7,7 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Мингбулоқ 3 та (1,6 %), Учқўрғон ва Наманган 5 тадан (2,7 % дан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши**

(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан улуши % да</i>
Наманган вилояти	182	100,0
<i>туманлар:</i>		
Наманган ш	62	34,2
Мингбулоқ	3	1,6
Косонсой	18	9,9
Наманган т	5	2,7
Норин	8	4,5
Поп	13	7,1
Тўрақўрғон	15	8,2
Уйчи	16	8,8
Учқўрғон	5	2,7
Чортоқ	14	7,7
Чуст	15	8,2
Янгиқўрғон	8	4,4

Фаолият кўрсатаётган 182 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 108 таси (59,3 %) саноат, 20 таси (11,0 %) савдо, 18 таси (9,9 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 9 таси (4,9 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 6 таси (3,3 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 4 таси (2,2 %) қурилиш, 2 таси (1,1 %) ахборот ва алоқада, 1 таси (0,5 %) ташиш ва сақлашда ҳамда 14 таси (7,8 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ташиш ва сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши

(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан улуши % да</i>
Жами	182	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	18	9,9
саноат	108	59,3
қурилиш	4	2,2
савдо	20	11,0
ташиш ва сақлаш	1	0,5
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6	3,3
ахборот ва алоқа	2	1,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	9	4,9
бошқа турлари	14	7,8

2019 йилнинг январь-июнь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 49 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36 тага кўпайган ёки 3,8 баробарга ошган.

Бунда, Хитой Халқ Республикаси - 9 та, Корея Республикаси - 7 та, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси резидентлари капитали иштирокида - 5 тадан, Қирғизистон Республикаси - 4 та, Хиндистон ва Туркия Республикаси - 3 тадан, Қозоғистон, Чехия, Эрон ва Миср мамлакатлари - 2 тадан, Кения, Сингапур, Канада, Афғонистон ва Нидерландия -1 тадан янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

Вилоятдаги 49 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳри (10 та), Уйчи, Чуст (6 тадан), Косонсой, Тўрақўрғон, Чортоқ (5 тадан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган туманлар қаторига Мингбулоқ, Наманган ва Учқўрғон (1 тадан) туманларини киритиш мумкин.


Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши

(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан улуши % да</i>
Наманган вилояти	49	100,0
<i>туманлар:</i>		
Наманган ш	10	20,4
Мингбулоқ	1	2,1
Косонсой	5	10,2
Наманган т	1	2,1
Норин	2	4,0
Поп	4	8,2
Тўрақўрғон	5	10,2
Уйчи	6	12,2
Учқўрғон	1	2,1
Чортоқ	5	10,2
Чуст	6	12,2
Янгиқўрғон	3	6,1

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 19 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 9 та, савдода 7 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда (2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)



Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йил 1 июль ҳолатига 439 тани ташкил этиб, улардан 432 таси ёки 98,4 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 66,6 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.